

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АЧИЛОВ АЛИШЕР ТЕМИРОВИЧ

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚ
БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ БУЗИЛИШИ ЖИНОЯТЛАРИНИ
ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Ачиллов Алишер Темирович

Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши
жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш.....3

Ачиллов Алишер Темирович

Совершенствование уголовно-правового регулирования преступлений,
связанных с нарушением таможенного законодательства в сфере
внешнеэкономической деятельности25

Achilov Alisher Temirovich

Improving the criminal law regulation of crimes related to the violation of customs
legislation in the field of foreign economic activity.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....54

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

АЧИЛОВ АЛИШЕР ТЕМИРОВИЧ

**ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚ
БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ БУЗИЛИШИ ЖИНОЯТЛАРИНИ
ЖИНОЙИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2019.1.PhD/Үу263 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлик университети веб-сайти (www.jxu.uz) ҳамда “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Азиз Алишерович
юридик фанлар доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Суюнова Дилбар Джолдасбаевна
юридик фанлар доктори, доцент

Қурбонов Нурали Боходирович
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича DSc.32/30.12.2020.Үу/74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 17 декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу кўргони. Тел. (99871) 230-32-71; факс (99871) 230-32-50; e-mail mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (2190 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу кўргони.

Диссертация автореферати 2021 йил 03 декабрь куни тарқатилди
(2021 йил 02 декабрдаги 14-рақамли реестр баённомаси).



М.Х.Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

М.М.Нурматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар доктори, доцент

М.Б.Усмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Дунёда иқтисодий муносабатлар глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолият (кейинги матнларда ТИФ) соҳасида криминаллашув даражаси ортиши, хусусан: “контрабанда”, “солиқ ва бож тўловларини тўлашдан бўйин товлаш”, “капиталнинг хорижга оқими”, “яширин иқтисодиёт” ва “коррупция” ҳолатлари кўпайиб бориши кузатилмоқда. Изланишлар натижалари, дунё бўйича ҳар йили 20-25 миллиард доллар капиталнинг офшорларга чиқиб кетиши, мамлакатлар солиқ ва божхона қонунчилигидаги номутаносиблик ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг 2,5 фоизи миқдори йўқотилиши ва барча даражадаги мансабдорларга берилган пора миқдори битимларнинг 10 фоизгачасини ташкил этишини тасдиқлаган. Криминологларнинг таъкидлашича, ташқи иқтисодий фаолият ҳуқуқбузарларни ноқонуний йўллар билан мўмайгина даромад келтира олиши ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун имкониятлар мавжудлиги билан ўзига жалб этмоқда. Бу эса, ижтимоий ривожланишнинг салбий омили бўлиб, унинг кенг кўламда ёйилиши давлатнинг молиявий тизими ва иқтисодий хавфсизлигига реал таҳдиддир. Шу боис, ушбу соҳадаги жиноятларга қарши жиноий-ҳуқуқий воситалар орқали курашиш айниқса долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда иқтисодий жиноятларга, шу жумладан ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилишидан иборат қилмишларга қарши курашиш борасида олимлар томонидан контрабанда ва божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш усулларини, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, коррупция ва ноқонуний валюта операцияларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарлик тўғрисидаги жиноий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича илмий таҳлилий ишларни олиб бориш ҳозирги кунда устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида “инсон ва унинг манфаатлари – ислоҳотларнинг асосий мақсади” тамойилида барча соҳаларда, шу жумладан жиноят-ҳуқуқий соҳада жазоларнинг либераллаштирилишига йўналтирилган ислоҳотлар олиб борилаяпти. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида суд-тергов амалиётида, жумладан мамлакатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган, жиноят қонунчилигидаги айрим нормаларнинг мукамал эмаслиги билан боғлиқ бўлган қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинаётганлиги, хусусан, халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмаганлиги кўрсатиб ўтилган. Шу боис, ушбу соҳадаги жиноий қонунчиликни такомиллаштириш, миллий қонунчилик

тизимини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга йўналтирилган ислохотлар изчиллик билан давом эттиришни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017) ҳамда ушбу Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурлари тўғрисидаги, “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018) ва “Суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), шунингдек “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги (2020) ва “Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2021) Фармонлари ҳамда “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018) қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот илм-фанни ривожлантиришнинг “III. Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ташқи иқтисодий фаолият ва божхона соҳаларидаги жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари комплекс равишда ўрганилмаган. Мазкур масаланинг айрим жиҳатлари М.Х.Рустамбоев, К.Абдурасулова, Ш.Абдуқодиров, М.Собиров, Э.Хожиев, Р.Кабулов, А.Отажонов, С.Алимбаев, О.Маҳкамов ва бошқаларнинг илмий ва услубий ишларида ўз аксини топган.

МДҲ олимларининг кўплаб тадқиқот ишлари ТИФ, шу жумладан божхона соҳасидаги жиноятларга тааллуқли муаммоларни ўрганишга бағишланган бўлиб, улардан В.Андрьянов, Б.Волженкин, Ю.Гармаев, Л.Гаухман, И.Дмитриенко, Т.Диканова, С.Иванова, А.Коробеев, А.П.Кузнецов, Н.В.Кузнецова, А.Краснов, В.Ларичев, Н.Лопашенко, А.Никифорова, Т.Пинкевич, Ю.Сучков, А.Туленев, А.Чучаев, А.Чупрова, П.Яни ва бошқаларнинг илмий ва услубий ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Диссертация мавзуси бўйича АҚШ, Хитой, Япония, Европа мамлакатлари олимлари, жумладан, Perrin B., Luigi A. Franzoni, James Alm, Jackson Miles ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Юқорида қайд этилган муаллифларнинг ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солиш ва қарши курашиш масалаларига эътибор қаратаётган хизматларини юқори

баҳолаб, замонавий шароитларда мамлакатимизда ушбу муаммолар етарли даражада ўрганилмаганлигини таъкидлаш мумкин. Шу боис, ҳозирги кунда ушбу муаммони назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганиб, илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурати мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар асосида қонунчилик нормаларини такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича хулосалар ва қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва моҳияти билан боғлиқ мавжуд қонунчилик базаси ва назарий таълимот ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, шунингдек ушбу фаолиятнинг криминаллашуви кенгайиб бораётганлиги натижасида уни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида эътироф этиш заруратини илмий тадқиқ этиш;

– ТИФ соҳасидаги жиноятлар тушунчаси ва белгиларини ҳамда уларнинг божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари билан алоқадорлигини тадқиқ этиш;

– ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари бўйича хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш;

– ТИФ соҳасидаги жиноятларнинг тизими ва таснифланиши билан боғлиқ мавжуд жиноий-ҳуқуқий нормалар ва ҳуқуқшунос олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш орқали уларнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

– божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, контрабанда, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятларини назарий-ҳуқуқий таҳлилини қилиш орқали уларнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

– ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини квалификация қилишдаги муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечими ва жавобгарлик самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноий-ҳуқуқий механизм тушунчалари билан боғлиқ назарий қарашлар ва мавжуд қонунчилик базасини ўрганиш орқали ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларига қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий механизминини ташкил этувчи элементларни таҳлил қилиш ва мазмун-моҳиятини очиб бериш;

– ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари содир этилишининг сабаблари ва унга имкон бераётган шарт-шароитларни

аниқлаш ва ўрганиш, уларни олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– содир этилаётган ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари бўйича статистик маълумотларни таҳлил қилиш;

– ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари жиноий-ҳуқуқий тизимини либераллаштириш бўйича тадбиркорлик субъектлари ва божхона тизими ходимлари ўртасида сўровномалар ўтказиш;

– тадқиқот мавзусига оид мунозарали масалаларнинг ечими бўйича назарий, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш йўналишларини назарда тутувчи муаллифлик ёндошувларини ҳамда ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб ТИФ соҳасида содир этиладиган божхона қонунчилиги бузилиши учун жиноий жавобгарлик ва унинг олдини олиш билан боғлиқ жиноий-ҳуқуқий ва криминологик муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предметини ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарлик назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг жиноий-ҳуқуқий нормалари, ушбу соҳадаги жиноятлар бўйича тергов ва суд амалиёти, статистик маълумотлар ҳамда мавжуд илмий тадқиқот ва услубий ишлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, кузатув, анализ ва синтез, умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндошув, қиёсий-ҳуқуқий, формал-юримдик таҳлил, социологик сўровлар ўтказиш, статистик маълумотларни ўрганиш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

муаллифлик ёндашуви асосида “Божхона соҳасидаги жиноятлар” тушунчаси “божхона қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ Жиноят кодексининг тегишли бобларида жавобгарликлар назарда тутилган давлатнинг иқтисодиёт асослари, жамоат хавфсизлиги ва ахлоқ нормаларига зарар келтирадиган ижтимоий хавфли қилмишлар” деган мазмундаги, шунингдек, “Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари” тушунчаси “ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига тажовуз қилувчи трансчегаравий характердаги махсус усулларда ғаразли мақсадларда қасддан содир этиладиган ижтимоий хавфли қилмишлардир” деган мазмундаги таърифлар билан бойитилган;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарликларни ушбу қилмишларнинг жиноий-ҳуқуқий тавсифи, жиноят содир этилиши соҳалари, яъни ташқи иқтисодий фаолият турлари, жиноят содир этилиши босқичлари, яъни ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг муайян босқичлари, жиноят субъектлари, яъни ТИФ қатнашчиларининг тоифалари ва уюшганлик даражасига кўра таснифлаш таклиф этилган;

солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини содир этишда қўлланиладиган божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашнинг божхона режимларидан ноқонуний фойдаланиш; божхона қийматини камайтириб кўрсатиш; маълум бир товарни бож тўлови камроқ

бўлган бошқа ўхшаш товар сифатида ТИФ ТН кодни ўзгартириб ёки қалбакилаштирилган келиб чиқиш сертификатини божхона расмийлаштирувига тақдим этиш; декларация қилмаслик ёки нотўғри декларациялаш, шу жумладан товарларнинг миқдори ва вазни камайтириб кўрсатилган ҳужжатларни божхона расмийлаштирувига тақдим этиш ёки товарларни бир қисмини декларация қилмаслик; товарларни бошқа ном билан декларациялаш; товарларни божхона органлари белгилаган манзилга етказиб бормаслик; имтиёزلардан ноқонуний фойдаланиш каби усуллари бўйича таснифлаш таклиф этилган;

божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товар ёки бошқа қимматликлар миқдори билан боғлиқ бўлиб, товар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида яна айнан шундай ҳуқуқбузарликни кўп миқдорда содир этган ҳолдагина божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқиши, шунингдек, ушбу қилмиш чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб; хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса божхона тўғрисидаги қонунчилик кўп миқдорда бузилган ҳолдагина жиноий жавобгарлик келиб чиқиши асослаб берилган;

божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш деганда, жумладан, божхона органларига қуйидагиларни тақдим этиш: била туриб қалбаки ҳужжатларни; била туриб ёлғон маълумотлар киритилган ҳужжатларни; қонунга хилоф равишда олинган ёки бошқа товарларга тегишли ҳужжатларни; ҳақиқий бўлмаган ҳужжатларни; қалбакилаштирилган божхона идентификациялаш воситаларидан (пломбалар, муҳрлар, тамғалар босиш, идентификациялаш белгилари, штамплар ва бошқа идентификациялаш воситалари) ёки бошқа товарларга тегишли ҳақиқий идентификациялаш воситаларидан фойдаланиш тушунилиши лозимлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддасини янги таҳрирдаги “Товар ва бошқа қимматликларни контрабанда қилиш” деб номлаш ва зарар қопланган тақдирда жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги таклифлар “контрабанда” атамасининг мазмунидан келиб чиқиб Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштиришга ҳамда биринчи марта жиноятни содир этган тадбиркорлик субъектларининг товар-моддий бойликлари давлат фойдасига мусодара қилинмасдан божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши натижасида уларнинг иқтисодий ва ишчанлик фаолиятига кенг йўл яратилишидан ташқари, тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг бюджетга ўтказилиши қилмишнинг ижтимоий

хавфлилик даражасини пасайтиради ва давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига зиён етказилишининг самарали олди олинишига хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси “Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш” жиноятининг рағбатлантирувчи 5-қисмидаги нормасини янги таҳрирда баён этиш тўғрисидаги таклиф, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг қонунийлигини назорат қилишга солиқ хизмати органи ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментидан ташқари бошқа органлар, шу жумладан божхона органлари ҳам ҳақли эканликлари эътиборга олиниб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтиришга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 243-моддаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легализация қилиш” жинояти содир этилганда биринчи ўринда республика иқтисодий асослари ва фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга зарар етказилишини инобатга олиб, мазкур жиноятни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” деб номланадиган учинчи бўлимга ўтказиш орқали янги таҳрирда баён этиш ва зарар қопланган тақдирда жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги таклифлар жиноят қонунчилигини халқаро стандартларга унификация қилиш ва мувофиқлаштирилишига ҳамда рағбатлантирувчи нормаларни тадбиқ этиш орқали шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш шартларини ўрнатувчи нормаларни кенгайтиришга хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227¹⁹ ва 227²⁰-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар “божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда содир этиш хусусиятига эга бўлганлиги инобатга олиниб, маъмурий преюдиция таъсирига тушишини белгилаш тўғрисидаги таклифлар жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига асосланиб, шахснинг ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ва ЖКнинг 182-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинишига хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227²⁴ ва 227²⁵-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш усуллари ҳисобланишини инобатга олиб, маъмурий преюдиция таъсирига тушишини белгилаш тўғрисидаги таклифлар жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига асосланиб, шахснинг ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш ва ЖКнинг 184-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилингани, суд материаллари, тадбиркорлик субъектлари ва божхона тизими ходимлари ўртасида ўтказилган сўровномалар натижаларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда назарда тутилган илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсияларидан ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарлик масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисми)”, “Криминология”, “Криминалистика” ва “Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти” фанларини ўқитиш ва илмий назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда қонунчилигимиздаги бўшлиқларни тўлдиришда, мазкур тоифадаги жиноятларни квалификация қилиш, адолатли жазо тайинлаш ва етказилган зарарни қоплаш бўйича тергов ва суд амалиётини қўллаш самарадорлигини ошириш, шунингдек давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

“Божхона соҳасидаги жиноятлар” ва “Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги жиноятлари”га доир концептуал ғоя ва таклифлардан “Божхона иши” йўналиши курсант ва тингловчилари учун “Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти” (2021 й., 237-519 рақамли гувоҳнома) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институтининг 2021 йил 27 октябрдаги 01-25/17-1748-сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу мутахассислик бўйича таълим олаётган курсантлар, магистрантлар, шунингдек, божхона органларининг амалиётчи ходимларининг билим, ўқув ва кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилган;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноий ҳуқуқбузарликларни турли мезонларга асосан таснифлаш, шунингдек, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятини содир этишда қўлланиладиган божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашнинг турли усулларини таснифлашга доир таклифлардан “Божхона иши” йўналиши курсант ва тингловчилари учун “Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти” (2021 й., 237-519 рақамли гувоҳнома) дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институтининг 2021 йил 27 октябрдаги 01-25/17-1748-сонли маълумотномаси). Натижада, “Божхона органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти”, “Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисми)”, “Криминология” ва “Криминалистика” фанлари институтларининг илмий-назарий жиҳатдан бойишига хизмат қилган;

божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жиноий жавобгарликнинг келиб чиқишига божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товар ёки бошқа қимматликлар миқдорига боғлиқлиги

ва маъмурий преюдицияга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 15 январдаги №04/Х-37-20-сонли далолатномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши қилмишни тўғри квалификация қилинишига хизмат қилган;

божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятини содир этишда қўлланиладиган божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш усули мазмунини ёритишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 8-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 15 январдаги №04/Х-37-20-сонли далолатномаси). Таклифларнинг жорий этилиши шахснинг ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо берилишига хизмат қилган;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тушунчаси ва турлари, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш усуллари тўғрисидаги, шунингдек, ТИФ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда халқаро сўровномалар бўйича келиб тушган ҳужжатларни кўриб чиқиш тартиби ҳақида берилган илмий ва амалий таклифлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш тартиби тўғрисида”ги Услубий қўлланмани амалиётга жорий этиш ҳақидаги 329-сонли буйруғи билан амалиётга татбиқ этилган. (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил 27 октябрдаги 04-05/25-07828-сонли маълумотномаси). Натижада, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш борасида Давлат божхона қўмитасининг тегишли бошқармалари ва уларнинг ҳудудий тузилмалари ўртасида ҳамкорликни жонлантириш ва ҳуқуқбузарликларни процессуал расмийлаштириш сифатини янада оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий ва ўқув-услубий ишлар, жумладан 1 та монография, 1 та дарслик, 2 та ўқув қўлланма, 3 та услубий қўлланма, диссертациянинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 15 та (11 та республика ва 4 та халқаро журналларда) мақолалар нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ўнта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари ва хорижий тажриба”** деб номланиб, унда ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва мазмуни, иқтисодиётнинг асосий тармоғи сифатидаги ўрни ва аҳамияти, глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни криминаллашуви ва ушбу фаолиятни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида қаралиши учун асослар, шунингдек, ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилигини бузиш жиноятлари тушунчаси, таснифланиши ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда хорижий давлатлар қонунчилигида ушбу соҳадаги жиноятлар учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг *“Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятнинг криминаллашуви ва уни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти сифатида эътироф этиш зарурати”* деб номланган биринчи параграф Ўзбекистоннинг ташқи бозорларга боғлиқлиги ва мамлакатни ривожлантиришда ташқи иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар, ушбу фаолият тушунчаси ва моҳиятини ўрганишга, шунингдек, глобаллашув шароитида ТИФнинг криминаллашуви ҳамда ушбу фаолиятни жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида эътироф этиш заруратига бағишланган.

Тадқиқотчи "ташқи иқтисодий фаолият" тушунчасининг табиатини ҳисобга олган ҳолда ташқи иқтисодий фаолият таърифини бериш учун қонунчилик таҳлилидан бошлаб, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонунда келтирилган ТИФ моҳиятини ташкил этувчи асосий тушунчаларга, жумладан ТИФ субъектлари, объектлари ва йўналишларига тўхталиб, қонунда ТИФ тушунчасига яхлит таъриф берилмаганлиги ҳамда унда ҳаволаки норма ва атамалар акс этганлиги сабабли таҳлиллар асосида бир қатор олимларнинг ушбу тушунчага оид таърифларини ҳам ўрганиб, ўз муносабатини билдирган.

Муаллиф, тадқиқоти давомида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг замонавий шароитлари мураккаб ташқи сиёсат ва иқтисодий вазият билан ажралиб туришини, глобаллашув шароитида ТИФнинг криминаллашув жараёни кузатилаётганлигини, ушбу тармоқда жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг легаллаштирилиши тадбиркорлар ва ишбилармонларни ўзига жалб этишини ва бу орқали ТИФ соҳасидаги муносабатларга зиён етказилишини инобатга олиб, ТИФ субъектларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат

томонидан назорат қилиш чоралари кўрилиши ҳамда ушбу фаолиятни жиний-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида эътироф этиш ва ҳимоя қилиш лозим, деган хулосага келади.

Ушбу бобнинг “Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари тушунчаси ва белгилари” деб номланган иккинчи параграфида муаллиф ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари тушунчасини ҳуқуқий таълимот ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларини ўрганиш орқали таҳлил қилади.

Диссертант “божхона соҳасидаги жиноятлар” ва “ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги масаласини ва ўзига хос хусусиятларини аниқлашда мавжуд доктринал талқинларни таҳлил қилади, натижада уларни бир-бирига тенглаштирилмаслиги керак, деган хулосага келади ва божхона соҳасидаги жиноятлар - ТИФ соҳасидаги жиноятларнинг бир туридир, деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, таҳлиллар асосида “божхона соҳасидаги жиноятлар” тушунчасига муаллифлик таърифи шакллантирилган.

Муаллиф, аввало, ўз нуқтаи назарини мазкур масаланинг ечими тажовуз объектида эканлиги билан изоҳлайди. Объектни аниқлаш учун муаллиф томонидан М.Х. Рустамбаев, А.Ю. Чупрова, Т.В. Пинкевич, Н.А. Лопашенко, Ю.И. Сучков, В.Г. Ярыгин ва бошқа олимларнинг илмий назарий қарашлари, шунингдек, ТИФ соҳасидаги жиноятларнинг тизими ва таснифланиши қайд этилган Л.Д.Гаухман, Б.В.Волженкин, А.И.Чучаев, Г.С.Аванесян, Ю.П.Гармаев, О.В.Грачевларнинг асарлари ўрганилган. Унинг фикрича, ушбу соҳада жиноятларнинг содир этилиши натижасида божхона органлари фаолияти бирламчи объект эмас, балки ТИФ соҳасидаги муносабатлар тизимида муҳофаза қилинадиган элементлардан фақат биттаси ҳисобланади.

“Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари” тушунчасига таърифни шакллантиришдан олдин муаллиф, унинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатади, яъни: *биринчидан*, ушбу қилмишлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасида кўрсатилган қоидаларга мувофиқ жиноятнинг барча белгиларига эгаллиги; *иккинчидан*, жиний тажовуз объекти - бу муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатларнинг алоҳида соҳаси сифатида тушуниладиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг нормал фаолият юритиши ҳисобланади. *Учинчи хусусият* – бу ТИФ соҳасида содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар Жиноят кодексининг алоҳида бобида акс этирилганлиги. *Тўртинчи хусусият* – бу ТИФ соҳасидаги жиноятларни содир этишнинг махсус усулларини кўллашдир. Ушбу хусусият уларнинг ажралмас қисми бўлиб, тадқиқотчи буларга: товарлар бўйича импорт ва экспорт соҳасида битимлар тузиш, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасини тўғридан-тўғри ёки ахборот-телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва валюта операцияларини амалга ошириш орқали ўтказиш каби усулларни кўрсатиб ўтади. Ушбу соҳадаги жиноятларнинг *бешинчи белгиси* сифатида тадқиқотчи, уларни содир этишдан асосий мақсад иқтисодий фойда олишдир, деб кўрсатади.

Хулоса ўрнида ушбу соҳадаги жиноятлар тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. *Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари бу – Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига таъжовуз қилувчи трансчегаравий характердаги махсус усулларда гаразли мақсадларда қасддан содир этиладиган ижтимоий хавfli қилмишлардир.*

Ушбу бобнинг *“Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини таснифлаш ва ўзига хос хусусиятлари”* деб номланган учинчи параграфида тадқиқотчи ушбу жиноятларни тизимлаштиришда ТИФ соҳасидаги жиноятларни таснифлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилган ва бунда жиноятчиликка қарши курашиш муаммоларини ўрганувчи ҳуқуқшунос-олимларнинг, жумладан, Р.С.Белкин, А.И.Винберг, М.Х.Рустамбоев ва бошқаларнинг фикр мулоҳазаларини, хориж таърибасини ўрганиб, таҳлиллар асосида ТИФ соҳасидаги жиноятлар, кўзланган мақсадига қараб турли асосларга кўра таснифланади деган хулосага келади ҳамда шартли равишда бешта асосга кўра таснифлашни тақлиф қилган. Хусусан:

1. *Жиноий-ҳуқуқий тавсифи* бўйича ТИФ соҳасидаги барча жиноятлар 2 гуруҳга ажратилган: 1) товар ва бошқа қимматликларни божхона чегарасидан бевосита ўтказиш билан боғлиқ бўлган (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси), шунингдек божхона ҳужжатларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлар ва воситалардан алдов йўли билан фойдаланган ҳолда муомилада бўлиши таъқиқланган ёки чекланган ашё ва буюмларни божхона чегарасидан ўтказиш билан боғлиқ (ЖК 130, 130¹, 244³, 244⁴, 246 ва 250¹-моддалар) жиноятлар; 2) ТИФни амалга ошириш жараёнида содир этиладиган иқтисодий жиноятларнинг бошқа турлари (ЖКнинг 175, 177, 178, 184-моддалари ва бошқалар), бошқарув тартибига қарши жиноятлар (205-214, 223-224, 227, 228-228¹-моддалари) ҳамда ЖК 243-моддаси киритилган;

2. *Жиноят содир этилиши соҳалари, яъни ташқи иқтисодий фаолият турлари* бўйича: а) ташқи савдо фаолияти; б) чет эл инвестициялари; в) эркин иқтисодий зоналар; г) оффшор зоналар билан бизнес алоқалар; д) товар ва юкларни ташишда содир этиладиган жиноятлар;

3. *Жиноят содир этилиши босқичлари, яъни ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг муайян босқичлари* бўйича: а) шартномаларни тузиш босқичи; б) божхона расмийлаштируви босқичи (декларация қилишдан бошлаб товарларни эркин муомалага чиқаришгача); в) товарларни республикамиз божхона ҳудуди бўйича ташишда (транзит, божхона кузатуви остида етказиб бериш); г) контрактлар бўйича контрагентлар томонидан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш босқичларида содир этиладиган жиноятлар;

4. *Жиноят субъекти, яъни ТИФ қатнашчиларининг тоифалари* бўйича: юридик ва жисмоний шахсларга ажратилиб, жиноят субъектлари сифатида ТИФ соҳасининг инфраструктураси ходимлари: божхона брокерлари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар, ташувчилар, божхона омборлари, божхона органлари ва бошқа назорат қилувчи органларнинг ходимлари кўрсатилган;

5. *Жиноят субъектларининг уюшганлик даражаси* бўйича ТИФ соҳасидаги жиноятлар: бир киши, жиноий гуруҳ ва жиноий уюшма томонидан содир этиладиган жиноятларга таснифланган.

Шунингдек, тадқиқотчи ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини тергов қилиш амалиётидан келиб чиқиб, улар бир нечта иқтисодий ва унга кўмаклашувчи бошқа жиноятлар билан содир этилиши натижасида ушбу соҳадаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларига (*уюшган, мураккаб, халқаро характерга эга, турли хил жиноятларнинг умумий хусусиятларига мос келади ва латент*) эътибор қаратади.

Биринчи бобнинг *“Хорижий давлатлар қонунчилигида ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари учун жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари”* деб номланувчи тўртинчи параграфда тадқиқотчи ушбу масалани таҳлил қилиш учун қуйидаги асосий ҳуқуқий тизимларни ўрганиб чиққан: англо-саксон (АҚШ, Канада), роман-герман (Германия, Чехия, Латвия, Эстония), анъанавий (ХХР ва Япония) ва МДХ давлатлари.

Диссертант, бир қатор хорижий давлатларнинг (Россия, Қозоғистон, Украина, ХХР ва Япония) жиноий қонунчилигида контрабанда учун жавобгарлик жиноят предметларининг хусусиятидан келиб чиқиб, тажовуз объектига қараб бир нечта алоҳида нормаларга ажратилиб, тегишли бўлим ва бобларга жойлаштирилганлигига эътибор қаратади ва ушбу тажрибани миллий қонунчилигимизда ҳам қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 246-моддаси *“Контрабанда”* жиноятини дифференциялашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан хорижий давлатлар тажрибасинининг айрим ижобий хусусиятларини миллий жиноят қонунчилигига жорий этиш бўйича бир қатор таклифлар берилган. Жумладан, ўрганилган айрим хорижий мамлакатлар (АҚШ, Канада, Европа ва МДХ давлатлари) қонунчиликларида акс этган ТИФ соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисидаги нормалар, масалан: айрим стратегик аҳамиятга эга бўлган предметларни, хусусан, яширин равишда маълумот олишнинг махсус техник воситаларини ноқонуний равишда божхона чегарасидан олиб ўтиш нормалари, шунингдек юридик шахслар учун жиноий жавобгарлик институтини миллий қонунчилигимизда ҳам қўллаш ва Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларимизни такомиллаштириш лозим, деб ҳисоблайди.

“Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларининг юридик таҳлили ва жиноий-ҳуқуқий тартибга солиниши” деб номланган иккинчи боб учта параграфдан иборат.

Биринчи параграф *Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва контрабанда жиноятларининг солиштирма назарий ҳуқуқий таҳлилига* бағишланган бўлиб, тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасида белгилаб қўйилган *“Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш”* ва ЖКнинг 246-моддаси *“Контрабанда”* жиноятларининг ҳуқуқий тавсифини ёритишда, таҳлиллар асосида ушбу жиноятларни қуйидаги ўхшаш ва фарқловчи хусусиятларига эътибор қаратади, жумладан:

- ушбу жиноятлар, тажовуз объектлари (ЖК 182-модда - иктисодиёт асосларига қарши жиноятлар, ЖК 246-модда - жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар) ҳамда диспозицияларида кўрсатилган жиноят предметлари (ЖК 182-моддада товар ва бошқа қимматликлар, ЖК 246-моддада контрабанда ашёлари) бўйича фарқланади;

- ушбу жиноятларнинг объектив томонини ифодаловчи жиноятни содир этиш усуллари, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб божхона чегарасидан олиб ўтиш, қонунчиликда бир хилда талқин қилинган.

Хулоса ўрнида, “контрабанда” атамасига луғатлар, энциклопедия, халқаро ҳуқуқ адабиётларида ва хорижий қонунчилик тажрибасида - товар, қимматликлар ва бошқа ашёларни далаат чегарасидан қонунга хилоф равишда олиб ўтиш, деб таъриф берилганлигини инобатга олиб, диссертант томонидан таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасини “Товар ва бошқа қимматликларни контрабанда қилиш” деб ўзгартириш ва янги таҳрирда баён этиш, ЖК 246-моддаси “Контрабанда” жиноятини дифференциялаш ва айрим контрабанда ашёларига боғлиқ ЖК моддалари диспозициясига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек божхона соҳасидаги айрим жиноятлар бўйича ЖКнинг тегишли моддаларига ва “Атамалар ҳуқуқий маъноси” бўлимига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилган(7-иловага қаранг).

Ушбу бобнинг *“Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш жиноятининг ҳуқуқий тавсифи ва божхона тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаш билан боғлиқ жиҳатлари”* деб номланувчи иккинчи параграфда тадқиқотчи Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида божхона тўловлари ва йиғимларини тўлашдан бўйин товлаганлик учун алоҳида нормада жавобгарлик белгиланмаганлигини, улар солиқ ва мажбурий тўловларнинг бир тури сифатида ЖКнинг 184-моддасидаги *“Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш”* жинояти таркибига киритилганлигини таъкидлаб, ушбу жиноятнинг ҳуқуқий тавсифини ёритишда ўзига хос хусусиятларга эътибор қаратган.

Хусусан, муаллиф томонидан мавжуд илмий, услубий тадқиқот ишлари ва божхона амалиётида аниқланаётган божхона тўловлари билан боғлиқ жиноят ишларини таҳлил қилиш асосида ушбу жиноий қилмишни содир этишда қўлланиладиган божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш усуллари қуйидагича таснифланган: а) божхона режимларидан ноқонуний фойдаланиш; б) божхона қийматини камайтириб кўрсатиш; в) маълум бир товарни бож тўлови камроқ бўлган бошқа ўхшаш товар сифатида ТИФ ТН кодини ўзгартириб ёки қалбакилаштирилган келиб чиқиш сертификатини божхона расмийлаштирувига тақдим этиш; г) декларация қилмаслик ёки нотўғри декларациялаш, шу жумладан товарларнинг миқдори ва вазни камайтириб кўрсатилган ҳужжатларни божхона расмийлаштирувига тақдим этиш ёки товарларни бир қисмини декларация қилмаслик; д) товарларни бошқа ном билан декларациялаш; е) товарларни божхона органлари

белгилаган манзилга етказиб бормаслик; ё) имтиёзлардан ноқонуний фойдаланиш.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи “*Ташиқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини квалификация қилиши муаммолари ва жиноий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириши*” деб номланиб, тадқиқотчи томонидан ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари бўйича юридик таҳлиллар ва хорижий қонунчилик тажрибаси асосида қонунчилик ва амалиётда юзага келаётган зиддиятли масалаларни бартараф этиш мақсадида келгусида қонунчиликни такомиллаштириш ва жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар билдирилган. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасини “Товар ва бошқа қимматликларни контрабанда қилиш” деб номлаб, янги тахрирда баён этиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш” Концепцияси талабларидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илғор хорижий тажрибанинг юридик шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш институтини миллий қонунчилигимизга имплементация қилишни мақсадга мувофиқ эканлигини ҳамда Жиноят кодексида иқтисодий соҳадаги жиноятлар учун юридик шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликни белгилаш ва жазо тариқасида жарима қўллаш, жарима миқдорини эса етказилган зарар миқдоридан келиб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси диспозициясида кўрсатилган божхона қонунчилиги бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик бўйича маъмурий преюдиция масалалари, шунингдек қилмиш мансабдор шахс томонидан сохталаштириш орқали содир этилиши билан боғлиқ ҳолатларда ушбу жиноятни малакалашдаги муаммолар бўйича тушунтиришлар берилиши лозимлиги кўрсатилиб, бу борада таклифлар тақдим этилган;

- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг қонунийлигини назорат қилишга солиқ хизмати органи ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментидан ташқари ваколатлари доирасида божхона ва бошқа назорат органлар ҳам ҳақли эканликларини эътиборга олиб, ЖК 184-моддаси 5-қисмига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида, шунингдек, амалиётда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227²⁴ ва 227²⁵-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқбузарликлар қўллаб содир этилишини ва улар божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш усуллари ҳисобланишини инobatга олиб, Олий суд Пленумининг “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли Қарорининг 4-банди 2-хатбошига қўшимчалар киритиш орқали ушбу ҳуқуқбузарликларни ҳам маъмурий преюдиция таъсирига тушишини белгилаш тўғрисида таклифлар берилган.

- ТИФ соҳасида ЖКнинг 175-моддаси - Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш ва ЖКнинг 243-моддасидаги - Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легализация қилиш каби жиноятлар ҳам содир этилишини инобатга олиб, уларни диспозицияларида келтирилган мазмунидаги тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ЖК 243-моддасини янги тахрирда баён этиш ва тегишли Олий суд Пленуми қарорларида ушбу масалалар бўйича тушунтиришлар бериш таклиф қилинган.

Диссертациянинг **“Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларига қарши курашиш”** деб номланган учинчи боби учта параграфдан иборат бўлиб, ушбу соҳада содир этилаётган жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва профилактикаси каби масалалар кўриб чиқилган. Шунингдек, диссертант томонидан ТИФ соҳасидаги муносабатларни ҳимоя қилишнинг жиноий-ҳуқуқий воситалари ёритилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи *“Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларига қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий механизми”* деб номланиб, унда тадқиқотчи ушбу соҳадаги жиноятларга қарши курашнинг амалдаги механизми бўйича мавжуд камчиликларини аниқлашга ҳаракат қилади ва уни ташкил этувчи элементлар таҳлил қилинади.

Диссертант ўрганилаётган механизмни шакллантиришдан мақсад жиноий-ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида ТИФ соҳасидаги муносабатларнинг нормал ишлаши ва ривожланишини таъминлашдан иборат эканлигини таъкидлаб, ушбу мақсадга эришиш учун механизм қуйидаги вазифаларни ҳал қилиши керак деб ҳисоблайди:

- ТИФ соҳасида жиноятларни содир этганлик учун жавобгарликни ҳуқуқий норма сифатида қонунчиликда белгилаш, шунингдек ушбу соҳадаги жиноятларнинг олдини олиш;

- Жиноят кодекси нормаларида ташқи иқтисодий фаолият, шу жумладан божхона соҳасидаги жиноятлари (ЖКнинг 182, 184, 246, 130, 130¹, 244³, 244⁴ ва 250¹-моддалари) ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида содир этиладиган иқтисодий, мансабдорлик ва жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларнинг бошқа турлари (ЖКнинг 175, 177, 178, 185¹, 186¹-186³, 188-190, 192¹-192¹¹, 205-214, 223-224, 227, 228-228¹ ва 243-моддалари) билан жавобгарликни қўллаш бўйича бўшлиқларни аниқлаш;

- жиноят қонунчилиги ва ушбу соҳани тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлардаги зиддиятларни аниқлаш (масалан, жиноий ва маъмурий қонунчилик зиддиятлари) ва уларни бартараф этиш;

- жиноят қонунчилиги бўйича амалдаги жиноий қилмишлар учун жавобгарликнинг мос келишини ва етарли даражада таъсирчанлиги, шунингдек, ТИФ соҳасидаги жиноятчилик ривожланиш тенденцияларига мувофиқлигини таъминлаш;

- нормаларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш жараёнида Жиноят қонуни нормаларини тизимлаштириш тартиби бузилишининг олдини олиш;

- ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларининг сонини камайтириш ва уларнинг ўсишини олдини олиш.

Муаллиф юқоридаги барча масалаларни кўриб чиққандан сўнг, "ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларига қарши курашнинг жинойий-ҳуқуқий механизми" таърифини шакллантиради. Унга кўра, *бундай механизм ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларга жинойий тажовузларга қарши курашиши жараёнида жинойий-ҳуқуқий тизим элементларининг тартибли ўзаро таъсири тушунилади.*

Учинчи бобнинг *"Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари содир этилишининг сабаблари ва унга имкон бераётган шарт-шароитлар"* деб номланган иккинчи параграфиди таҳлиллар асосида ушбу жиноятларнинг содир этилишига имконият яратадиган шароитлар ва келиб чиқиш сабаблари аниқланиб, уларни белгиловчи омиллар таҳлил қилинган. Булар: маънавий-ахлоқий; иқтисодий; ижтимоий; ташкилий-бошқарув; ҳуқуқий тусдаги омиллардир.

Тадқиқотчи ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятлари содир этилишини белгиловчи *маънавий-ахлоқий омилларига* жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият етарли даражада шаклланмаганлигини, хусусан, ТИФ субъектларининг божхона соҳасида етарли билимларга эга эмаслиги ва фуқаролар орасида ҳуқуқий нигилизмнинг тарқалганлигини; *иқтисодий омил* сифатида мамлакатда "яширин иқтисодиёт"нинг мавжудлигини; *ижтимоий омил* сифатида аҳолининг даромадлар даражасига кўра табақаланишини (ишсизлар ва камбағаллар сонининг кўплиги); *ташкилий-бошқарув* соҳасидаги камчилик (омил)лар орасида тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари, божхона маъмуриятчилиги билан боғлиқ камчиликларни; *ҳуқуқий омилларга* амалдаги божхона қонунчилигининг кенглиги, мураккаблиги ва қонунчиликка доимий равишда киритилувчи ўзгартиришларни кўрсатиб ўтган.

Учинчи бобнинг *"Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини олдини олиш чоралари"* деб номланувчи учинчи параграфиди тадқиқотчи томонидан ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларини содир этилишига туртки берувчи юқорида таъкилаб ўтилган камчиликлар (*маънавий-ахлоқий; сиёсий; ижтимоий-иқтисодий; ташкилий-бошқарув; ҳуқуқий тусдаги омиллар*)нинг олдини олиш борасида бир қатор йўналишлар таҳлил қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар таклиф қилинган.

Шунингдек, тадқиқотчи ТИФ билан боғлиқ божхона қонунчилиги бузилиши жиноятларига қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган институционал ҳужжатлар, хорижий давлатлар тажрибаси ва ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотларни ўрганиб, ижобий томонларини амалиётга жорий этиш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш лозимлигини таъкидлайди.

